



БАНКЛАР ИНҚИРОЗИДА ЛИКВИДЛИЛИКНИ БОШҚАРИШ

Сатторова Насиба Ганижон қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Илмий мақолада ҳозирги кундаги банклар инқирозидида тижорат банклари ликвидлигига таъсир қилувчи омиллар кўриб чиқилган. Бунда, банкнинг ликвидлиги нафақат банкнинг ички, балки ташқи омилларга ҳам боғлиқдир. Шунингдек, даромад келтириш нуқтаи-назаридан ресурсларни оқилона жойлаштириши банкларнинг молиявий барқарорлигига, хусусан, ликвидлигига ижобий таъсир қилади. Айни пайтда, банклар томонидан ажратилган кредитлар сифатининг пастиги, муаммоли кредитлар ҳажмининг ортиши банк ликвидлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳолат ўз навбатида банкнинг кредит сиёсатида ҳам муайян камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Тижорат банки ликвидлигини бошқаришда унга таъсир этувчи омилларни доимий кузатув объектига айлантирган ҳолда, уларнинг салбий таъсирини бартараф этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш мақсадга мувофиқ саналади.

Таянч сўзлар: тижорат банклари, ликвидлик, ички ва ташқи омиллар, омиллар, банк сектори, бошқарув, активлар, пасивлар, кредит.

УПРАВЛЕНИЕ ЛИКВИДНОСТЬЮ В УСЛОВИЯХ БАНКОВСКОГО КРИЗИСА

Сатторова Насиба Ганижон кизи

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В научной статье рассматриваются факторы, влияющие на ликвидность коммерческих банков в условиях современного банковского кризиса. При этом ликвидность банка зависит не только от внутренних, но и от внешних факторов банка. Также рациональное размещение ресурсов с точки зрения получения дохода положительно сказывается на финансовой устойчивости банков, в частности, на их ликвидности. При этом низкое качество кредитов, выдаваемых банками, и увеличение объема проблемных кредитов негативно сказываются на ликвидности банков. Такая ситуация, в свою очередь, свидетельствует о наличии определенных недостатков в кредитной политике банка. При управлении ликвидностью коммерческого банка считается целесообразным принимать действенные меры по устранению их негативных последствий, превращая влияющие на нее факторы в объект постоянного контроля.

Ключевые слова: коммерческие банки, ликвидность, внутренние и внешние факторы, факторы, банковский сектор, управление, активы, пассивы, кредит.

LIQUIDITY MANAGEMENT IN BANKING CRISIS

Sattorova Nasiba Ganijon kizi

Tashkent State University of Economics

Annotation. The scientific article examines the factors affecting the liquidity of commercial banks during the current banking crisis. In this case, the bank's liquidity depends not only on the bank's internal but also external factors. Also, the rational allocation of resources from the point of view of generating income has a positive effect on the financial stability of banks, in particular, on their liquidity. At the moment, the low quality of loans allocated by banks and the increase in the volume of problem loans have a negative impact on bank liquidity.

This situation, in turn, indicates that there are certain shortcomings in the bank's credit policy. In managing the liquidity of a commercial bank, it is considered appropriate to take effective measures to eliminate their negative effects, turning the factors that affect it into an object of constant monitoring.

Keywords: commercial banks, liquidity, internal and external factors, factors, banking sector, management, assets, liabilities, credit.

Кириш.

Маълумки, тижорат банкларининг фаолияти асосан даромад олишга қаратилган. Шу билан бирга, банк сектори бир қатор муҳим функцияларни амалга оширади: аҳоли ва корхоналарга кредит бериш ва қўллаб-қувватлаш, миллий иқтисодиётда маблағлар жамғарилишини рағбатлантириш, тўловлар, трансферлар ва молиявий операциялардаги воситачилигини рағбатлантириш ва инвестицион ресурсларни самарали тақсимлаш, шунинг учун банк секторидаги мураккаб ҳолатларнинг пайдо бўлиши йўл қўймаслик лозим, акс ҳолда бутун иқтисодиётнинг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони амалга оширишга оид белгиланган давлат дастурида банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий тамойил ва механизмларни жорий қилиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишига йўл қўймаётган тўсиқларни бартараф этиш вазифаси қайд этилган. Шу билан бирга инқироз шароитида республика банк тизимини қўллаб қувватлашда Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш операциялари устувор равишда тижорат банкларига зарур бўлган ликвидликни тақдим этиш орқали амалга оширилди.

Шу боис, тижорат банкининг ликвидлиги унинг ишончлилиги ва барқарорлигини белгилайдиган банк фаолиятининг асосий сифат кўрсаткичларидан бири сифатида кредит ва банк секторининг иқтисодиётдаги таркибий қисми учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Тижорат банклари ликвидлигига таъсир қилувчи омилларга бағишланган илмий тадқиқотларда олимларнинг бу борадаги фикрлари турличадир.

Завьялованинг (2015) фикрича, тижорат банкининг ликвидлиги ва тўлов қобилятига ҳамда умуман унинг фаолиятига қўплаб омиллар таъсир қилади, шу сабабли ликвидликнинг пайдо бўлаётган салбий тенденцияларини аниқлаш учун банк молиявий таҳлилчилари ушбу тенденцияларни келтириб чиқарган асосий омилларни аниқлашлари керак. Омилларнинг таъсирини таҳлил қилиш ва салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида банк сиёсатини ўзгартириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этади.

Рашидовнинг (2012) тадқиқотларида тижорат банки ликвидлигининг асосий хусусиятлари, омиллари ва турлари келтирилган, ўрганилаётган концепциянинг иқтисодий моҳияти аниқланган, ликвидлик кўрсаткичлари, рентабеллик ва тўлов қобиляти ўртасидаги боғлиқлик аниқланган, Базел қўмитасининг тавсиялари таҳлил қилинган, тижорат банкининг ликвидлигини бошқариш аҳамияти очиб берилган.

[Shyam Bhati, Anura De Zoysa, Wisuttorn Jitaree](#) (2019) ҳинд банкларида ликвидликни аниқлашга турли хил тартибга солувчи, банкларга хос ва макроиқтисодий омилларнинг узоқ муддатли таъсири кўриб чиқилган. Шу мақсадда, муаллифлар тадқиқотида тасодикий эффектлар панелидаги регрессия модели ишлатилган ва 1996 йилдан 2016 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган 21 йил давомида Ҳиндистон банклари маълумотлари билан синовдан ўтказилган.

Wei Feng Хитой иқтисодиётининг узлуксиз ривожланиши, тижорат банклари ислохотининг чуқурлашиши билан барча турдаги тижорат банклари ҳам ўсиб бораётганлигини қайд этади. Шу жумладан, тадқиқотларида молия бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида тижорат банкларининг ликвидлик хавфини бошқариш банкларнинг келажақдаги ривожланиши билан боғлиқ муҳим омилни ажратиб кўрсатган. Унинг тадқиқотлари 2008 йилдаги молиявий инқироздан кейин Хитой банк секторида ликвидлик рискинни назорат қилишни кучайиши ҳамда тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишга қаратилган⁷⁷.

Криклий ва Маслак (2008) тижорат банкларини ликвидлигига таъсир омилларни бошқа олимлар қатори омиллар ички ва ташқи бўлини, улар ўз навбатида оимларни интенсив ва экстенсив, бозор ва маъмурий қисмларга ажратадилар. Уларнинг фикрича, экстенсив омилларга ресурслар ҳажмини акс эттирувчи омиллар киради, масалан, ресурс базаси ҳажмининг ўзгариши, минтақавий бўлинмалар сони ёки ходимлар сони, вақт ўтиши билан фойдаланиш (ресурслар бирлигининг айланмасининг тезлашиши, иш кунининг ўзгариши), шунингдек,

⁷⁷ Wei Feng. Analysis of Factors Affecting Bank Liquidity // https://www.webofproceedings.org/proceedings_series/article/artId/111.html

ресурслардан самарасиз фойдаланиш (рисklar таъсири натижасида йўқотишлар), маблағларни фондларга ва захираларга сезиларли даражада йўналтириш) каби жиҳатларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот доирасида олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, банкларда ликвидлилигига таъсир қилувчи омиллар таҳлилини олиб борамиз.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотлар натижасида банк тизимини ривожлантириш, инновацион тижорат банклари ликвидлигини бошқаришда таъсир этувчи омиллар ўрганилган бўлиб, банк ликвидлигини бошқарувидаги самарадорлиги бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Шуни таъкидлаш керакки, банкнинг ликвидлиги мураккаб кўрсаткичдир. Бундан ташқари, тижорат банкларининг ликвидлиги молиявий барқарорлик ва ишончлилик каби тушунчалар билан характерланади. Банкнинг ишончлилиги унинг мустақкамлиги бўлиб, ушбу банкда хизмат кўрсатилаётган мижозларнинг ишонч даражасидир. Банкнинг молиявий барқарорлиги одатий ривожланиш лаёқати билан тавсифланади, булар учун бир қатор мезонлар ажратиб кўрсатиш мумкин, жумладан, баланс пассивидаги ўзлик маблағларининг улуши, келгусида банкнинг ўзлик капиталини олинган фойда, мижозлар базасининг барқарорлиги ва бошқалар (Banerjee, Hitoshi Mio 2018).

Тижорат банкининг ликвидлигига таъсир кўрсатадиган бир қатор омилларни қайд этиш керак:

- тижорат банкининг фаолиятига нисбатан: ташқи, ички;
- таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича: салбий, ижобий;
- мазмуни бўйича: сиёсий, ижтимоий, иқтисодий;
- таъсир қилиш давомийлиги: доимий, форс-мажор вазият;
- бошқариш имконияти бўйича: тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган⁷⁸.

Кўпинча тижорат банклари ликвидлигига таъсир этувчи омиллар икки гуруҳга бўлинади: ташқи ва ички. Ташқи омиллар орқали ташқи муҳит тижорат банкининг фаолияти билан таъсир ўтказиши, ички омиллар банк даражасида ишлайди ва банкнинг сиёсати билан боғлиқ, банк сиёсатини ўзгартиради, ликвидликнинг салбий ўзгаришига олиб келадиган омилларнинг таъсирини чеклаш мумкин. Шуни унутмангки, ташқи омиллар банк томонидан осонлик билан таъсирланмайди, шунинг учун ички омилларга кўпроқ эътибор қаратиш, уларга ликвидлик хавфини камайтириш мақсадида таъсир кўрсатиш керак.

Фикримизча, тижорат банклари ликвидлилигига таъсир қилувчи омиллар ички ва ташқи омилларга гуруҳланган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Банк ликвидлигини бошқаришнинг мураккаб жараён эканлигини унга таъсир этувчи омилларнинг таснифи ҳам тасдиқлайди (1-расм).

Банк ликвидлилиги бўйича рисklarнинг ортишига таъсир қилувчи омиллар доимий равишда мониторингни тақозо этади. Айни пайтда, тижорат банки даромадларидан воз кечиш ҳисобига бўлсада, ликвидлиликни таъминлашга ҳаракат қилади ёки банклар активлар ва пассивларни юқори сифатли ликвидли активлар ва номолиявий депозитлар улушини ошириш, шу билан бирга молиявий ички қарзларни камайтиришга интилади.

Банклар даромад олиш мақсадида ресурсларни жойлаштирар экан, бу жараён банк ликвидлилигига сезиларли таъсир кўрсатишини англаган ҳолда иш тутати. Бошқача айтганда, банк ликвидлилиги ва даромадлиги бир-бирига нисбатан тескари мутаносибликда бўлади.

Банклар ликвидлилигига таъсир этувчи ички омилларга банкнинг капитал базаси, активлари сифати, депозит базаси, менежмент савияси ва сифати, банк баланси талаб ва мажбуриятларининг ҳолати, қимматли қоғозлар ва кредит портфелининг сифат даражаси, мижозлар базасининг ўзига хос хусусиятлари, банк имиджи, ташқи манбалардан маблағларни жалб қилиш имкониятлари каби омиллар тааллуқдир.

⁷⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали маълумотлари асосида тузилган (www.cbu.uz va <https://data.gov.uz>).



1-расм. Банк ликвидлигига таъсир этувчи омилларнинг таснифланиши⁷⁹

Энди банк ликвидлигига сезиларли даражада таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишга ва баҳолашга ҳаракат қиламиз. Банк капитали унинг фаолияти барқарорлиги ва ишончилигини таъминлашга хизмат қилиб, банк мажбуриятлари бажарилиши ва рискларни қоплаш бўйича энг муҳим кафолат ҳамдир. Шу боисдан, ривожланган давлатларда мижозлар банкни танлар экан, банкнинг капиталлашув даражасига алоҳида эътибор қаратишади.

Одатда тижорат банки банкротликка юз тутганда унинг капитали мижозлар ва таъсисчилар олдидаги мажбуриятларни қоплашга йўналтирилади. Шу сабабли ҳам, капитал ҳажми қанчалик кўп бўлса, шунга мутаносиб равишда банкнинг тўловга қобиллиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Бундан кўринадики, банкнинг капитал базаси унинг ликвидлигига таъсир этувчи муҳим ички омиллардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда, банк активлари таркибида ноликвид активларнинг сезиларли даражада юқори бўлиши банкнинг ликвидлигига нисбатан салбий таъсир кўрсатишини ҳам ёдда тутиш керак. Чунончи, биргина кредитлар мисолида кўрадиган бўлсак, банк кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар салмоғининг ортиши банкнинг ликвидлигига кескин таъсир этади. Бунинг боиси шундаки, муаммоли кредитларнинг салмоғи ортиши билан зарарларни қоплаш учун ташкил этиладиган захиралар ҳажми ҳам мос равишда оширилади. Бу эса банкнинг ресурс салоҳиятига, активлардаги ўсишни қоплаш имкониятига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, тижорат банкнинг даромад келтирувчи активлари банк соф фойдасининг асосий манбаи ҳисобланади ва бир пайтнинг ўзида банк ликвидлиги билан тескари муносабатга эга. Уларга бошқа банклардаги маблағлар, давлат қисқа муддатли облигацияларига қўйилмалар, факторинг, кредит қўйилмалари, ссудалар бўйича эҳтимолли йўқотишларга банк захираси ва инвестициялар киради. Шунга қарамай, банк менежерлари юқори даромадни таъминлашга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш билан биргаликда банк ликвидлигини кутилмаганда таъминлаш заруратини ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Шундай бўлсада, капитал таркибида кутилиши мумкин бўлган эҳтимоллий йўқотишларни қоплаш учун захиралар ҳам шакллантириладики, булар ўз навбатида 100 фоиз харажатга олиб борилиши боис, банк даромадлигининг пасайишига сабаб бўлади.

⁷⁹ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами ва устав капитали⁸⁰

	Кўрсаткичлар номи	Жами	
		Банклар сони	сумма, млрд. сўм
01.01.2018 йил ҳолатига	Жами капитал	28	20 676
	шундан, устав капитали		16 307
01.01.2019 йил ҳолатига	Жами капитал	29	26 679
	шундан, устав капитали		19 673
01.01.2020 йил ҳолатига	Жами капитал	30	51 031
	шундан, устав капитали		41 877
01.01.2021 йил ҳолатига	Жами капитал	32	58 351,3
	шундан, устав капитали		44 655,8
01.01.2022 йил ҳолатига	Жами капитал	33	70 917,6
	шундан, устав капитали		54 760,0
01.01.2023 йил ҳолатига	Жами капитал	31	79 565,4
	шундан, устав капитали		59 856,7

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада тижорат банкларининг жами капитали 20 676,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг шу даврида қарийб 2,4 баробарга кўпайди, 2023 йил 1 январига келиб эса 3.8 баробарга кўпайди (1-жадвал).

Фикримизча, банк капитали таркибидаги энг барқарор манба оддий акцияларнинг тўланган қисми, бошқача айтганда устав капитали миқдорининг ошириб борилиши миллий банк тизимига бўлган ишонччи мустаҳкамлашга, ликвидлиликни оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, банк менежменти савияси ва сифати ҳам ликвидликка таъсир этувчи муҳим ички омиллардан ҳисобланади. Бу ўринда банкнинг ташкилий тузилмаси таркибида ликвидлиликни доимий мониторинг қилиб боровчи, бошқарув қарорлари учун маълумотлар базасини мунтазам шакллантирувчи ва аналитик ҳисоботларни тайёрловчи ташкилий бўлинма (қўмита) фаолиятининг самарали йўлга қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, банкнинг ликвидлиликни бошқариш бўйича ўз стратегиясига эга эканлиги, жорий, ўрта ва истиқболдаги ликвидлиликни таъминлаш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар белгиланлиги, менежерларнинг савияси ва малакаси, корпоратив бошқарув тамойилларининг амал қилиши ва банк эгалари ва бошқарувчилар ўртасидаги муносабатнинг яхши йўлга қўйилганлиги кабилар ҳам банк менежменти сифатини оширишга хизмат қилади.

Тижорат банклари ликвидлигига таъсир қилувчи ташқи омиллар ичида мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг барқарорлиги муҳим ҳисобланади. Мамлакатда иқтисодий ва сиёсий вазият барқарор бўлсагина, тижорат банклари операциялари қўламини ошириш, ривожлантириш ва самарали фаолият юритиш учун зарурий шарт-шароит юзага келади. Шунинг билан биргаликда, тижорат банклари фаолиятида иқтисодий барқарорлик хорижий инвесторларнинг миллий банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, банкларнинг юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш учун замин яратади.

Шунингдек, мамлакатда банк қонунчилигини такомиллашганлик даражаси ҳам ликвидликка таъсир этади. Чунки, банк фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкам бўлмас экан, бу ҳолат бир тижорат банки фаолиятидаги камчилик орқали юзага келган муаммонинг бутун банк тизимига юқори суръатларда тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу каби муаммолар тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимининг ролини ошириш орқали ҳал этилиши мумкин.

Республикада банк тизими барқарорлигини янада кучайтириш, омонатчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бир неча меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Уларга мувофиқ, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш тадбирларини кенгайтириш масалалари, банкларнинг инвестицион фаоллигини ошириш борасидаги вазифалар амалга оширилаётганини кўрсатмоқда.

80 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали маълумотлари асосида тузилган (www.cbu.uz va <https://data.gov.uz>).

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банкларининг ликвидлик даражасига ташқи ва ички омиллар таъсирини қайд этган ҳолда, банк ташқи омилларнинг таъсирини чеклаб қўйиши мумкин эмас, шунинг учун тижорат банкининг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ички омилларга кўпроқ эътибор қаратиш керак, чунки уларни бошқариш орқали ликвидлиikka бўлган салбий таъсирини камайтириш мумкин. Акс ҳолда, бу омиллар ликвидлик рискларининг пайдо бўлишига олиб келади, бу молиявий воситаларни тўлов воситаларига тезкор равишда айлантира олишнинг йўқолиши ёки қўшимча мажбуриятларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган рискларни кучайишига олиб келади.

Биринчидан, тижорат банкларининг фаолиятида давомиди мунтазам равишда ташқи манбаларга эҳтиёж сезиши, унинг қарамлилигини оширади ва бу ҳолат, ўз навбатида банк ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади. Одатда банклараро кредитлардан бу мақсадда кўп фойдаланилади. Бироқ, банклараро кредитлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши, хусусан, унинг ҳажмида ўсиш тенденциясининг кузатилиши ушбу тижорат банкларида ликвидликини таъминлаш борасида айрим муаммолар мавжудлигини ҳам кўрсатади.

Иккинчидан, тижорат банкларида талаб ва мажбуриятларининг ҳолати, миқдор ва муддат жиҳатидан ўзаро мослиги ҳам ликвидлиikka сезиларли таъсир кўрсатди. Хусусан, тижорат банклари активлари муддати ва суммаси, унинг пасивлари муддати ва суммасига мос келиши мақсадга мувофиқ саналади. Шу боисдан, банк менежерлари активлар ва пасивлар таркибини доимо таҳлил қилиб боришлари ва тегишли ўзгартириш киритиш бўйича ўз вақтида қарор қабул қилишлари лозим бўлади.

Учинчидан, банкнинг молиявий жиҳатдан барқарор миқдорлари сони, уларнинг фаолиятининг даромадлиги улар томонидан банкка топшириладиган нақд пул маблағлари миқдорининг ўз вақтида амалга оширилиши таъминлайди ва ўз навбатида, банк ликвидлигини таъминлашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, барқарор миқдорларга эга бўлган тижорат банкларида нақд пул билан таъминлаш борасида сезиларли муаммолар бўлмайди. Бу эса мазкур банкда ликвидлик муаммоси олдини олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тўртинчидан, мамлакатда молия бозорининг ривожланиш даражаси банк ликвидлигига таъсир қилувчи ташқи омиллардан бири ҳисобланади. Чунончи молия бозорининг тараққий этиши, ундаги маҳсулотлар ва инструментлари турларининг кўпайиши банкларга ликвидликини тартибга солиш ва бошқаришда қулай имкониятлар яратади. Тижорат банклари молия бозоридаги операциялар орқали сўмдаги ва хорижий валютадаги ликвидликини катта молиявий талофатларсиз таъминлашлари мумкин.

Фикримизча, ҳозирги вақтда амалга ошириладиган ислохотлар ва ўзгаришлар мамлакатимиз банкларининг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш, ликвидлигини таъминлашга замин яратади.

Адабиётлар/Литература/Referece:

Kriklt O.A., Maslak N.G. (2008) Upravlshnya pributkom banku. Sumi: DVNZ «UABS NBU», 136 s.

Ryan N.Banerjee, Hitoshi Mio (2018) The impact of liquidity regulation on banks // Journal of Financial Intermediation, Volume 35, Part B, July.

Shyam Bhati, Anura De Zoysa, Wisutorn Jitaree. (2019) Factors affecting the liquidity of commercial banks in India: a longitudinal analysis // Banks and Bank Systems, December, 14(4):78-88, https://www.researchgate.net/publication/337872570_Factors_affecting_the_liquidity_of_commercial_banks_in_India_a_longitudinal_analysis.

Завялова Е.Н. (2015) Факторы, влияющие на ликвидность коммерческого банка // Экономика и управление в XXI веке: тенденции развития.

Рашидов Т.М. (2012) Ликвидность коммерческого банка: экономическая сущность и определяющие фактора // Финансовые исследования